

**АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ Dsc.02/30.12.2019.FM.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВ РИВКАТ ГИРАТОВИЧ**

**МАЙДАНАК АСТРОНОМИК ОБСЕРВАТОРИЯСИДА ТАНЛАНГАН  
ТАРҚОҚ ЮЛДУЗ ТЎДАЛАРИ ФОТОМЕТРИЯСИ**

**01.03.01 – Астрономия**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
физико-математическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
physical-mathematical sciences**

**Каримов Ривкат Гиратович**

Майданак астрономик обсерваториясида танланган тарқоқ юлдуз  
тўдалари фотометрияси ..... 3

**Каримов Ривкат Гиратович**

Фотометрия избранных рассеянных звездных скоплений на  
Майданакской астрономической обсерватории ..... 21

**Karimov Rivkat Giratovich**

Photometry of selected open star clusters at Maidanak astronomical  
observatory..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

**АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ Dsc.02/30.12.2019.FM.15.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ**

**КАРИМОВ РИВКАТ ГИРАТОВИЧ**

**МАЙДАНАК АСТРОНОМИК ОБСЕРВАТОРИЯСИДА ТАНЛАНГАН  
ТАРҚОҚ ЮЛДУЗ ТЎДАЛАРИ ФОТОМЕТРИЯСИ**

**01.03.01 – Астрономия**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/FM357 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.astrin.uz](http://www.astrin.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Эгамбердиев Шухрат Абдуманнапович,**  
физика-математика фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси  
академиги

**Расмий оппонентлар:**

**Расторгуев Алексей Сергеевич,**  
физика-математика фанлари доктори, профессор  
**Туракулов Зафар Ялкинович,**  
физика-математика фанлари доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Россия Фанлар Академияси Астрономия  
институти**

Диссертация ҳимояси ЎЗР ФА Астрономия институти ҳузуридаги Dsc.02/30.12.2019.FM.15.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «3» ноябрь соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент ш, Астрономия кўч., 33 уй, Астрономия институти. Тел.: (+99871) 235-81-02, факс: (+99871) 234-48-67, e-mail: [info@astrin.uz](mailto:info@astrin.uz)..


Диссертация билан Астрономия институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (01-20 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100124, Тошкент ш, Астрономия кўч., 33 уй, Астрономия институти. Тел. (+99871) 235-81-02).

Диссертация автореферати 2020 йил «23» октябрь куни тарқатилди.  
(2020 йил «23» октябрь даги 1 рақамли реестр баённомаси).



  
**К.Т. Миргаджиева,**  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси ўринбосари, ф.-м.ф.д., доцент

  
**И.А. Ибрагимов,**  
илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, ф.-м.ф.н.

  
**С.П. Ильясов,**  
илмий даражасини берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги  
илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д

## **КИРИШ ((PhD) номзодлик диссертациясининг қисқача мазмуни)**

**Диссертация мавзуининг долзарблиги ва зарурияти.** Ҳозирги вақтда тарқоқ юлдуз тўда (ТЮТ)ларнинг, хусусан ёш ТЮТ ларнинг (ёши  $\sim <10^7$  йил) тадқиқоти Галактиканинг дисксимон ташкил этувчисидаги юлдузларнинг пайдо бўлиш жараёнлари масалалари билан ҳамбарчас боғлиқ. Яъни, юлдузлар тизимларининг бошланғич масса функциясини тадқиқоти, эволюциясининг бошланғич босқичидаги массив ва кичик массали юлдузларнинг эволюцияси тадқиқоти ва шу каби астрофизиканинг ўта муҳим ҳисобланган астрономик тадқиқот усуллари масалалари ечимлари билан ҳам боғлиқ. Келтирилганлар қаторига ТЮТ лар фотометрияси билан боғлиқ масалалар ҳам киради. ТЮТ ларнинг физик тавсифлари (уларгача масофа, ёши, юлдузлараро қизариш ( $E(B-V)$ ) ва шу каби қатор масалалар ушбу объектлар ўрганилишининг долзарб масаласи ҳисобланади.

Ҳозирги кунга келиб дунёда кузатув асбоб-ускуналарининг тараққиёти, яъни, телескоплар ойналарининг катталашishi, телескопларнинг фазога учирилиши, замонавий катта форматли ва паст шовқинли ёруғлик қабул қилгичларнинг ривожланиши, ўлчовларни қайта ишлашнинг янги усуллари кашф этилишига сабаб бўлиб, ТЮТларни физик тавсифларини янада аниқроқ ўрганиш учун янги имкониятларни очиб, бундай тадқиқотлар учун кўшимча туртки берди. Ушбу йўналишда мақсадли илмий тадқиқотлар, хусусан ТЮТларнинг турли шарҳлари амалга оширила бошланди. Бунда ТЮТлар тузилмаси ва Галактика диски, юлдузлар фаоллиги, бошланғич масса функцияси, юлдузлар тизимларининг динамик эволюцияси, юлдузларнинг пайдо бўлиш тарихи ва Галактиканинг кимёвий эволюцияси, кузатувлардан олинган натижаларни юлдузлар эволюцияси назарияси билан солиштириш каби масалаларга катта эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган астрономик юлдуз тўдаларининг фундаментал тадқиқотларига, яъни уларни физик ва кинематик тавсифларини аниқлаш, тўдаларнинг физик қарралигини ўрганиш ҳамда юлдуз тўдалари популяциясини тадқиқ этишга катта эътибор берилмоқда. ЎзР ФА Астрономия институти фотографик пластинкаларнинг кенг қамровли астрофототекаси таҳлили асосида тарқоқ юлдуз тўдаларнинг астрометрик ва фотометрик тадқиқотлари соҳасида сезиларли натижаларга эришилди. Республикамиздаги ушбу астрономик маълумотларнинг фотографик базаси тахминан 100 йил давомида Фанлар академияси Астрономия институти (ЎзР ФА АИ)нинг нормаль астрографидаги ва Китоб кенглик станциясидага қўшалок астрографидаги кузатувлар асосида ҳосил қилинган. ТЮТ етарлича аниқ ва чуқур фотометрик тадқиқотлари сўнгги 15 йил давомида ЎзР ФА АИнинг Майданак астрономик обсерваторияси (МАО) телескопларида амалга оширилган. МАО ўзининг астроиклим параметрларига кўра дунёдаги энг яхши обсерваториялардан бири саналади: тасвир сифатининг медиан қиймати  $0.69''$  ни, кузатув вақтининг умумий сони эса йилига 2000 соатдан кўпроқни ташкил этади. Фойдаланилган замонавий кузатув комплекси – жуда яхши астроиклимга эга ерда жойлашган телескоп

ва совутиладиган замонавий ЗАҚ ёруғлик қабул қилгичи ТЮТларнинг юқори аниқликдаги фотометрик тадқиқотларини амалга оширишга имкон беради.

Ушбу диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» фармони ва 2017 йил 18 февралдаги ПҚ-2789 сонли «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзусига оид хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.** Астрофизиканинг қатор фундаментал муаммоларини (Галактика дискида юлдузларнинг пайдо бўлиш тарихи, унинг тузилиши ва динамикаси, Галактиканинг кимёвий эволюцияси, юлдузлар эволюцияси ва шу кабилар) ҳал этиш мақсадида дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув юртларида ТЮТ тадқиқотлари олиб борилмоқда. Мисол сифатида Россия Фанлар академияси Астрономия институти, П.К.Штернберг номидаги Давлат Астрономия институти (М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети), Урал федерал университети (Россия федерацияси); Гейдельберг университетининг астрономик ҳисоблашлар институти, Потсдам астрофизика институти, Йена астрофизика институти ва университетнинг обсерваторияси (Германия); Лозана Федерал политехника мактабининг Астрофизика лабораторияси, Женева обсерваторияси (Швецария); Сейжон университети, Кореянинг астрономия ва космик фанлар институти (Жанубий Корея республикаси); Сан-Карлуснинг Физика институти, Валонго обсерваторияси (Бразилия); Льеж университетининг Астрофизика ва геофизика институти (Бельгия); Шанхай астрономик обсерваторияси, Миллий марказий университет (Хитой); Австралия миллий университети (Австралия); Хиндистон астрофизика институти (Хиндистон); Херцберг астрофизика институти (Канада); Миллий астрономия ва геофизика илмий – тадқиқот институти (Миср); Пенсильвания университети, Канзас университети, Аризона университети (АҚШ); Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Астрономия институти (Ўзбекистон) каби ташкилотларни келтиришимиз мумкин.

Юлдуз тўдаларининг фотометрик, астрометрик ва спектроскопик тадқиқотлари асосида умумжаҳон даражасидаги қатор илмий натижалар олинган, шу жумладан, юлдуз тўдаларининг тавсифлари ўрганилган. Бунда уларнинг ядроси ва корони бурчак ўлчами, уларгача масофа, ўртача хусусий

харакати, ўртача нурий тезлиги ва ёши каби параметрлари каталоги чоп этилган (П.К.Штернберг номидаги Давлат Астрономия институти, Урал федерал университети (Россия федерацияси), Гейдельберг университетининг астрономик ҳисоблашлар институти, Лозана Федерал политехника мактабининг Астрофизика лабораторияси ва бошқалар). Юлдузларнинг янги тўдалари очилган (Россия Фанлар академияси Астрономия институти, П.К.Штернберг номидаги Давлат Астрономия институти, Шанхай астрономик обсерваторияси, Кореянинг астрономия ва космик фанлар институти ва бошқалар). Тўдаларнинг морфологик таҳлили амалга оширилган (Россия Фанлар академияси Астрономия институти, Хиндистон астрофизика институти, Миллий марказий университети, Миллий астрономия ва геофизика илмий – тадқиқот институти ва бошқалар). Юлдуз тўдаларининг кимёвий таркиби ва галактика дискининг кимёвий хоссалари тадқиқ этилган (Канзас университети, Аризона университети, Шанхай астрономик обсерваторияси ва бошқалар).

Ҳозирги кунда ТЮТлар тадқиқотлари Галактика тузилишининг локал спираль тармоқларини ўрганиш, юлдузлар эволюцияси назариясининг кузатув тести, бошланғич масса функцияси тадқиқоти, ТЮТ динамик эволюцияси, Галактикада юлдузларнинг пайдо бўлиш тарихи ва шу каби қатор лойиҳалар доирасида олиб борилмоқда.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозир кунда дунёнинг етук олимлари, мисол учун, россиялик (Е.В.Глушкова, А.В.Локтин, А.Е.Пискунов, А.С.Расторгуев ва бошқалар), украиналик (Н.В.Харченко ва бошқалар), америкалик (R.D.Mathieu, В.А.Twarog ва бошқалар), германиялик (S.Röser, E.Schilbach ва бошқалар), хитойлик (L.Chen, J.L.Нои ва бошқалар) олимлари томонидан ТЮТларнинг катта ҳажмли экспериментал ва назарий тадқиқотлари натижалари асосида, уларнинг физик ва фазовий тавсифлари, янги тўдаларнинг каталогларини чоп этишган. Кўпгина изланишлар астрометрик, оптик ва яқин инфрақизил диапазонлардаги маълумотлар асосида амалга оширилган. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, кўпчилик тўдалар учун ҳозиргача тўлқин узунликларининг кенг диапазонида комплекс фотометрик тадқиқотлар ўтказилмаган ва бир қатор тўдалар учун эса умуман тавсифлари аниқланмаган. Аксарият ТЮТларнинг фотографик ва фотоэлектрик фотометрия натижалари асосида аниқланган тавсифларини замонавий аниқлиги катта ўлчовларни қўллаш орқали қайтадан аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Ушбу диссертация мавзуи доирасида тадқиқот учун танлаб олинган ТЮТларни тадқиқ этиш бўйича катта миқдордаги ишларни бажарилганига қарамай танлаб олинган тўдаларнинг олдинги кузатувлари муайян унча катта бўлмаган соҳалар ва хиралиги нисбатан кичик чегаралар билан чекланган. Бунинг натижасида, спектрал синфларнинг дастлабки босқичидаги кўплаб юлдузлар ва эволюциянинг бошланғич босқичидаги нисбатан хира юлдузлар тўдаларнинг тавсифларини аниқлаш вақтида инобатга олинмаган. Таъкидлаб ўтиш керакки, турли муаллифлар тадқиқотлари натижасида олинган

танланган ТЮТларнинг параметрлари катта фарқларга эга. Параметрларни баҳолашдаги бундай фарқларни мавжудлигини фотометрик маълумотларни олишдаги аниқлик, фойдаланилган фотометрик тизим ва ҳисоблаш усуллариининг турличалиги келтириб чиқарган, дейишимиз мумкин. Бундан ташқари, ҳар хил муаллифлар томонидан бир хил фотометрик тизимларда олинган фотометрик маълумотларнинг баъзи четланишларини ускуна юлдуз катталикларини стандарт тизимларга ўтказишдаги хатоликлар келтириб чиқарганини инобатга олиш зарур.

Танланган объектлардан бир ТЮТ NGC 2264 бўлиб, у ўрганиш учун энг мақбул ва кузатувлар учун қулай бўлган юлдузлар пайдо бўлиш соҳаларидандир. Дунёнинг етакчи илмий марказларини кўпгина олимлари, мисол учун, америкалик (W.Herbst, R.A.Gutermuth, T.S.Allen, S.E.Dahm), бразилиялик (S.H.P.Alencar, M.M.Guimarães), франциялик (G.Micela, F.Favata) ва бошқа ерлик олимлар ушбу тўда тадқиқоти билан шуғулланишмоқда. Ушбу ТЮТ бўйича жуда кўплаб адабиётлар ва барча тўлкин узунликларидаги ўлчовларнинг очиқ базаси бўлишига қарамасдан, бу объект учун тўданинг барча соҳаси бўйича бир жинсли чуқур фотометрик ўлчовлар асосида тўла тадқиқоти ўтказилмаган.

Яна бир ТЮТ NGC 2353 кам ўрганилган тўдалардан бири ҳисобланади ва бунга асосий сабаб, у СМа OB1 (Canis Majoris OB1) юлдузлар пайдо бўладиган соҳа яқинида жойлашганлиги бўлиб, асосий қизиқиш айнан мана шу соҳа қаратилган. Тўда тадқиқоти билан канадалик (G.L.Harris, M.Fitzgerald, B.Reed), жанубий – американик (O.J.Eggen) ва бошқа олимлар шуғулланишган. NGC 2353нинг олдинги фотометрик тадқиқотлари кам сонли юлдузларнинг фотоэлектрик ўлчов маълумотлари таянилган ва улар асосида ушбу тўданинг бир қатор физик тавсифлари ҳақида тасаввур ҳосил қилинган. Тўда нисбатан яқин ва юлдузларга бой бўлишига қарамасдан замонавий ЗАҚ лардан фойдаланилиб унинг фотометрик ўлчовлари амалга оширилмаган.

Cas OB6 (Cassiopeia OB6) уюшмасининг W5 West юлдузлар пайдо бўлувчи катта ўлчамли зонанинг марказида жойлашган ТЮТ IC 1848 навбатдаги тадқиқот объектидир. Тўда ва юлдуз пайдо бўлиш соҳаси тадқиқоти билан россиялик (Т.Р.Gerasimenko, A.V.Loktin), америкалик (X.P.Koenig, L.E.Allen, S.J.Kenyon) ва бошқа олимлар шуғулланишган. Бу тўданинг оптик полосалардаги бир неча фотометрик тадқиқотлари ўтказилган. Тадқиқотлардаги шарҳлар қамрови саёз бўлганлиги сабабли эволюциянинг бошланғич босқичида бўлган хира юлдузлар инобатга олинмаган. Ушбу тадқиқот иши доирасидаги ТЮТ IC 1848нинг ЗАҚ фотометрик ўлчовлари бажарилаётган вақтда электрон WEBDA маълумотлар базасида бу объектнинг атиги бир неча фотоэлектрик фотометрик ўлчовлари тақдим этилганди. Олдинги тадқиқотлардан олинган объектгача бўлган баҳоланган масофа чегараси жуда катта бўлганлиги сабабли уни аниқлаштириш талаб этилган.

ТЮТ IC 1805 тадқиқот учун танланган объектларнинг сўнгиси бўлиб, у Cas OB6 уюшмасининг учта массив W3/W4/W5 юлдузлар пайдо бўлувчи соҳанинг марказида жойлашган. Ҳар хил муаллифлар, мисол учун япониялик (N.Fukuda, K.Sugitani, K.Kawahara), литвалик (V.Straižys, V.Laugalys) ва бошқалар томонидан ўтказилган ТЮТ IC 1805нинг тадқиқотлари асосан марказий соҳа ва массив юлдузлар билан чекланган, ҳамда тўданинг кичик массали кўпчилик юлдузлари ҳисобга олинмаган. Тўда соҳасини турли тўлқин узунликлардаги кузатувлари мавжудлигига қарамасдан ТЮТ ташкил этувчилари ва унинг тавсифлари ўрганилмаган. ТЮТнинг тадқиқотлардан баҳолаб олинган физик параметрлари катта чегараларда ўзгариб турибди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўз ФА Астрономия институтининг Ф.2.2–7 «Фаол галактик ядролар ва квазарлар оптик ўзгарувчанлигининг энергетикаси ва табиати» (2003–2007); ФА–Ф2–Ф060 «Фаол ядроли галактикаларнинг оптик ўзгарувчанлиги ходисасини ўрганиш» (2007–2011); ФА–Ф2–Ф027 «Транзит тутилишларнинг вақт бўйича ўзгаришини кузатиш янги экзосайёраларни очиш усули сифатида» (2012–2016); ВА–ФА–Ф–2–010 «Сайёралар тизими жисмларининг фазовий ва кинематик хусусиятларини оптик кузатувлар асосида тадқиқ этиш» (2017–2020) илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** танланган ТЮТларни кўпрангли фотометрик маълумотлар асосида тадқиқ этиш ва уларнинг асосий физик параметрларини аниқлаш ҳамда кўпрангли фотометрик ўлчовларни таҳлил қилишда фойдаланиладиган оригинал калибрлаш боғлиқликларни ўрганиш.

**Тадқиқот вазифалари:**

Ландольт рўйхатидан олинган стандарт юлдузларнинг кўп йиллик мавсумлараро оригинал ЗАҚ фотометриясини амалга ошириш, олинган маълумотларни қайта ишлаш, ускуна юлдуз катталикларини стандарт тизимга ўтказиш коэффицентларини ҳисоблаб чиқиш;

тўда юлдузларининг оригинал кўпранглик ЗАҚ фотометриясини амалга ошириш, олинган фотометрик натижаларни ҳисоблаб чиқилган стандарт тизимга ўтказиш оригинал коэффицентлари асосида ускуна юлдуз катталикларидан стандарт тизимга ўтказиш;

тўдаларнинг олинган фотометрик маълумотларини қайта ишлаш, асосий физик параметрларини аниқлаш ва олинган натижаларни таҳлил қилиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ёш тарқоқ юлдуз тўдалари NGC 2264, NGC 2353, IC 1848, IC 1805 танлаб олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида Майданак астрономик обсерваториясида диссертант томонидан олинган ТЮТларнинг рақамли ЗАҚ тасвирлари, ушбу кузатувлар асосида қурилган ўрганилаётган объектларнинг фотометрик диаграммалари қаралган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** ЗАҚ тасвирларни қайта ишлаш усуллари, ўрганилаётган объектларнинг фотометрия усуллари, ТЮТлар физик

параметрларини аниқлашнинг фотометрик усуллари, ТЮТ ва юлдузларнинг бир қатор тавсифларини аниқлашнинг статистик усуллари.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

Ландольт рўйхатидан олинган стандарт юлдузларнинг янги ЗАҚ фотометрик кузатувлари олинган ва ва фотометрик катталикларни ускуна катталикларидан стандарт тизимга ўтказишга оригинал калибрлаш боғланишлари аниқланган;

ТЮТ NGC 2264нинг бутун соҳасини чуқур панорамик фотометрия ўлчов натижаларидан фойдаланилиб учта юлдузлар пайдо бўлиш ҳудудлари аниқланган;

биринчи марта NGC 2353 тўдасининг соҳасида ЗАҚ фотометрия амалга оширилди, тўданинг бир қатор физик тавсифлари аниқланди ва тўданинг фон соҳасида юлдузларнинг учта гуруҳи топилган;

ТЮТ IC 1848 ва IC 1805нинг янги ЗАҚ фотометрик кузатувлари олинди, оптик ва инфрақизил диапазонлардаги маълумотлар асосида уларнинг асосий физик тавсифлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ландольт рўйхатидан олинган стандарт юлдузларнинг кўп йиллик мавсумлараро оригинал ЗАҚ фотометриялари асосида оригинал калибрлаш боғланишлари ва стандарт тизимга ўтказиш коэффициентлари аниқланган;

танланган ТЮТларнинг асосий физик параметрлари (ранг орттирмаси, масофа, ёши) аниқланган;

танланган ТЮТларнинг бир қатор юлдузлари типлари, хусусан, массив аъзолари, ОВ синф юлдузлари, ва эволюциясининг бошланғич босқичида бўлган кичик массали юлдузлари аниқланган;

180000 дан ортиқ юлдузнинг *UBVRI* ва  $H\alpha$  фотометрик ўлчов натижалари олинган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** юлдуз тизимлари параметрларини ҳисоблашда фойдаланилган замонавий сонли усуллар ва маълумотларини қайта ишлаш алгоритмлар билан таъминланганлиги ҳамда олинган ҳулосаларни бошқа муаллифларнинг натижалари билан қиёсий таҳлили ишончлилик даражасини мустаҳкамлайди.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:** Натижаларнинг илмий аҳамияти шундаки, олинган натижаларни бошқа тўдаларнинг маълумотлари билан бир қаторда юлдузлар эволюциясининг назарияси тести, юлдузлар пайдо бўлиш ҳодисалари тадқиқоти ва тарихининг кузатув тести сифатида фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, олинган фотометрик маълумотлардан танланган ТЮТларнинг кўриш майдониға кирувчи алоҳида объектлар ва юлдузлар гуруҳининг тавсифларини тадқиқ этишда фойдаланиш имконияти мавжудлигидир.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** ТЮТ NGC 2264 нинг тадқиқот натижалари дунёнинг бир қатор тадқиқотчилари томонидан (чет эл илмий журналларига ҳаволалар: Monthly Notices of the Royal Astronomical

Society, Vol. 430, Issue 2, 2013; The Astronomical Journal, Vol. 152, Issue 5, id. 115, 2016) ўзларининг ёш тўдалар NGC 2264 ва Хулкарнинг юлдузлари айланиш даврларини тадқиқот ишларини амалга оширишда фойдаланишган.

NGC 2353 ва IC 1848 ларнинг тадқиқот натижалари чет эллик муаллифлар томонидан (чет эл илмий журналларига ҳавола: Astronomy & Astrophysics, Vol. 624, id.A137, 2019) изохронни ва эволюциясининг бошланғич босқичида бўлган кам массали юлдузлардан то массив юлдузларгача эволюцион трекларини ҳисоблашда фойдаланишган.

Тадқиқот ишлари бўйича фотометрик натижалар Страсбургдаги астрономик маълумотлар Марказининг электрон маълумотлари базасида ҳамма учун очиқ кўринишда чоп этилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш нашр қилинган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шулардан, 8 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

«**Танланган тарқоқ юлдуз тўдаларнинг тадқиқотлари шарҳи**» номли биринчи бобда тадқиқотлар тарихи ва ҳолатини қисқача баёни, танланган ТЮТ ўрганилганлик даражаси ва шу тўдаларни бошқа муаллифлар томонидан ўрганилиб олинган тадқиқот натижалари кўриб чиқилганлиги, ҳамда шу объектлар бўйича бажарилган ишлар шарҳи келтирилган.

Иккинчи «**Кузатувларни фотометрик қайта ишлаш усуллари ва тартиблари**» боби тўртта банддан ташкил топган.

Биринчи иккита бандда: МАОда фойдаланилган асбоб – ускуналар ва уларнинг асосий тавсифлари, хусусан, 1,5 метрли АЗТ-22 телескопи ва шу телескопда фойдаланилган ЗАҚ ёруғлик қабул қилгичлар SITE 2000x800 ва Fairchild 486; ЗАҚ кузатувларни қайта ишлашнинг асосий тартиблари, яъни маълумотларни бирламчи қайта ишлашнинг асосий кетма - кетлиги, андоза

юлдузларни апертурали фотометрияси ва ТЮТ аъзоларининг НСФ (нуқтанинг сочилиш функцияси) фотометрияси кўриб чиқилган.

Учинчи бандда ушбу ишда фойдаланилган ҳам хусусий, ҳам бошқа олимлар гуруҳлари томонидан олинган кузатувлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Бобнинг тўртинчи параграфидида стандарт юлдузларнинг МАОдаги кўп йиллик кузатув натижалари келтирилган. Ландольт рўйхатидан олинган стандарт юлдузларни МАОда кузатиш усули тавсифланган. Ускуна юлдуз катталикларидан стандарт тизимга ўтказиш тенгламаси қийматлари ва коэффицентларига таъсир қилувчи асосий омиллар белгилаб берилган. МАО учун “қабул қилгич – телескоп – атмосфера” фотометрик тизимни ўрганиш натижалари баён этилган. Атмосфера шароитларини ўзгаришлари сабабли (атмосферада сув буғлари ва чанг миқдори, атмосфера юқори қатламларидаги озон қатламини ўзгариши) ўзгариши мумкин бўлган стандарт тизимга ўтказиш тенгламаси коэффицентлари ҳисобланганлиги ва тизим ноль нуқтасининг янги вақтли коэффиценти ўлчаш натижалари келтириб ўтилган. Йилнинг тўрт мавсуми учун экстинкциянинг ўртача қийматини тўлқин узунлигига боғлиқлиги эгри чизиғи қурилди. Шунга кўра МАОнинг баҳорги вақтдаги экстинкцияси катта эҳтимол билан аэрозоллардаги сочилиш билан, қишки мавсумда эса рэлеев сочилиши сабаби билан асосланади. Стандарт юлдузларнинг кўп йиллик кузатув натижалари асосида ўзгарувчан юлдузларга 20 та эҳтимолий номзод аниқланди.


Муҳим ҳисобланган «**Танланган тарқоқ юлдуз тўдаларининг кўпрангли фотометрияси**» номли учунчи боб тўртта банддан ташкил топган.

«**NGC 2264 тарқоқ юлдуз тўдасидаги юлдузларнинг фазовий тақсимоти**» номли биринчи бандда NGC2264 тўда юлдузларининг  $VRI$  ва  $H\alpha$  фотометрияси, қурилган фотометрик диаграммалар, ўз эволюциянинг PMS (Pre-Main Sequence Star) бошланғич босқичида бўлган кичик массали ажратилиб олинган юлдузлари, юлдузларнинг фазовий тақсимоти ўрганилганлиги ва юлдузлар пайдо бўлиш соҳалари ажратиб олинганлиги натижалари келтирилган.

Тўда аъзоларидан PMS юлдузларини танлаб олиш  $((R-H\alpha), (V-I))$  диаграммаси асосида амалга оширилган. Юлдузни PMS юлдуз сифатида синфлаштириш учун  $\Delta(R-H\alpha) = ((R-H\alpha)-(R-H\alpha)_{MS})$  эмиссион ўлчовдан фойдаланилган, бу ерда  $(R-H\alpha)_{MS}$  бош кетма – кетлик юлдузларининг  $(V-I)$  ранг кўрсаткичи учун мос келувчи  $(R-H\alpha)$  қийматига мос келади. 1 расмда  $(R-H\alpha)$  эмиссия ўлчовини  $(V-I)$  ранг кўрсаткичига боғлиқлиги диаграммаси келтирилган.

Гап шундаки,  $(R-H\alpha)$  эталон қийматлари берилган ранг кўрсаткичи  $(V-I)$  учун муҳим бўлганлиги сабабли тўда аъзолари сифатида  $(R-H\alpha)$  ранг кўрсаткичининг эволюциянинг бошланғич босқичида бўлган юлдузларни танлаб олиш мезони сифатида фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Шу боисдан NGC 2264 тўдаси идеал объектлари сирасидан ҳисобланади. Бунга сабаб,

NGC 2264 тадқиқ этиш бўйича олдин олинган маълум ишлардан ҳам  $H\alpha$  эмиссияни намойиш этувчи юлдузлар, ҳам  $H\alpha$  эмиссияга эга бўлмаган бош кетма – кетлик (БК) юлдузлари тавсифларидан эталон сифатида фойдаланиш мумкин.




1 – расм. ( $R-H\alpha$ ) эмиссия ўлчовини ( $V-I$ ) ранг кўрсаткичига боғлиқлиги диаграммаси.

Шунингдек,  $H\alpha$  фотометрик ўлчовлар билан бир қаторда юлдузларда рентген эмиссияларини мавжудлиги PMS юлдузларини танлаб олишда фойдаланиладиган усулларида ҳисобланади. Ҳам рентген ҳам  $H\alpha$  эмиссияларини намойиш этувчи юлдузларни кесишма аниқлаштириши ўтказилди. PMS юлдузларини тўла қамраб олиш мақсадида бошқа муаллифларнинг ишларида  $H\alpha$  эмиссиянинг кучли манбалари сифатида белгиланган юлдузлар билан солиштирилди. Ҳамда, натижалар мувофиқлигини ошириш учун PMS юлдузларини танлаб олишда фойдаланилган фотометрик индекслар ва  $H\alpha$  фотометрия натижалари таққосланди.

NGC 2264 нинг турли гуруҳ юлдузлари учун фотометрик, икки рангли ( $R_c-I_c$ ,  $V-I_c$ ) ва ранг кўрсаткич – юлдуз каттали ( $I_c$ ,  $V-I_c$ ) диаграммалари қурилди. Қурилган диаграммалар асосида NGC 2264 тўдаси юлдузларининг фотометрик хусусиятлари кўриб чиқилди.

ТЮТ NGC 2264 юлдузларининг фазовий тақсимооти ўрганилди.  $H\alpha$  эмиссияли юлдузларнинг юза зичлиги ҳисобланди ва фазовий ўзгаришлари асосида учта юлдузлар пайдо бўлувчи соҳалар ажратиб олинди, ҳамда шу соҳалардан икkitаси фаол соҳалар ҳисобланади. Ажратиб олинган соҳалардан бири Яккашоҳнинг энг ёрқин юлдузи S (S MON)нинг жанубий – ғарбий томонидаги ёрқин туманлик атрофида, навбатдагиси машҳур «Конус» (CONE) туманлигининг шимолий соҳасида ва сўнггиси уларни эллиптик шаклга ўхшаш жилваланиш (HALO) билан ўраб турган унча зич бўлмаган соҳаларда жойлашган. 2 – расмда  $H\alpha$  эмиссиясини намоен қилувчи юлдузларнинг юза зичлиги харитаси келтирилган.




2 – расм. На эмиссиясини намоён қилувчи юлдуздарнинг юза зичлиги харитаси.

Олинган натижа G.Furesz иш билан тасдиқланмоқда. Бу ишда муаллифлар NGC 2264нинг шимолий ва жанубий соҳаларида жойлашган юлдузларнинг нурий тезликларида сезиларли градиент мавжудлиги сабабли учта фарқли гуруҳности мавжудлигини тахмин қилишади. Биз томонимиздан ажратиб олинган юлдузлар пайдо бўлишини икки фаол соҳаси ушбу муаллифларнинг натижалари билан мос келмоқда.

Иккинчи «NGC 2353 тўдасининг *UBVI* фотометриси» номли бандда қурилган фотометрик диаграммалар, тўда аъзоларининг ажратилганлиги ва тўданинг ҳисобланган асосий фотометрик тавсифлари келтириб ўтилган.

ТЮТдаги ранг ортирмаси кузатилган  $(B-V)$  ва  $(U-B)$  ранг кўрсаткичларини меёрий ранг кўрсаткичлари боғлиқлиги билан солиштириш йўли билан аниқланган. Кейинги навбатда ортиқча рангни аниқлаш шарти билан икки рангли диаграммада бошланғич спектрал синф юлдузларини ажратиб олиш учун қуйидаги мезонлардан фойдаланилди: (1)  $(B-V) \leq 0.09$ , (2)  $(U-B) \leq 0.06$ , (3)  $V \geq 9.0^m$ . Кечки В спектрал синфига мансуб 13 юлдуздан топилган ўртача ранг ортирмаси баҳоланганда  $E(B-V) = 0.10 \pm 0.02^m$  бўлиб чиқди. Олган натижаларимиз М.Р.Fitzgelard ва Н.Л.Johnson ишлардаги натижалар билан жуда яхши мосликни кўрсатди. Тўданинг икки рангли  $(U-B, B-V)$  диаграммаси 3 – расмда келтирилган.



3 – расм. NGC 2353 нинг икки рангли диаграммаси.

Бажарилган фотометрия ва 2MASS каталогининг инфрақизил диапазонга яқин маълумотлари асосида қизариш қонунини текшириш учун ранг орттирмаларининг боғланишлари тузилди. Олинган натижаларга кўра NGC 2353 йўналишида қизариш қонуни меъёрий қийматга ( $R_V = 3.1$ ) эга эканлиги аниқланди.

Кўпрангли фотометрияга асосланган фотометрик мезонлардан фойдаланиб тўда аъзолари ажратилди. Тўданинг фотометрик аъзолари бўлиши учун танланган юлдузлар қуйидаги масофалар модули шартларини қаноатлантириши талаб этилди, яъни: а) қўшалок юлдузлар таъсири ва фотометрик хатоликларни ҳисобга олиш учун  $[(V_0 - M_V)_{cluster} - 0.75 - 2\delta_{V_0 - M_V}]$ ,  $[(V_0 - M_V)_{cluster} + 2\delta_{V_0 - M_V}]$ ; б) масофа модуллари фарқи  $2.5\delta_{V_0 - M_V}$  дан ошмаслиги керак, бу ерда  $\delta_{V_0 - M_V}$  Гаусс тақсимоти кенглиги,  $(V_0 - M_V)_{cluster}$  эса масофалар модули қиймати. Фон юлдузларини чиқариб ташлаш учун ранглар ортиқчалиги ва масофалар модули қийматлари тўда аъзолари тавсифлари қийматларига жуда яқин бўлган ҳолатлар учун бошқа мезондан фойдаланилди, яъни  $(U - B, B - V)$  диаграмма. Икки рангли диаграммадаги меъёрий ранг кўрсаткичларига боғлиқ равишда қиймати  $\pm 2.5\sigma_{CC}$  ораликда жойлашган юлдузлар танлаб олинган, бу ерда  $\sigma_{CC}$  ҳисоб-китобларнинг умумий хатолигини ифодалайди. Назорат соҳа юлдузлари билан фотометрик тавсифлари ўхшаш фон юлдузлари миқдори статистик усул билан аниқланди. Уларнинг сони тўда майдони ўлчамлари билан таққосланадиган майдон бўйича аниқланди ва тўда юлдузлари сонидан айириб ташланди. Масофалар модули тақсимотига Гаусс функцияси қўйилгандан кейин олинган масофа модулининг ўртача қиймати  $10.35 \pm 0.08^m$  бўлиб чиқди. Ушбу қиймат М.Р. Fitzgelard ва А.А. Ноаг ишларида аниқланган масофа модуллари қийматлари билан яхши мосликни намоён қилмоқда.

Кузатилган ранг кўрсаткичи – юлдуз катталиги диаграммаси ва назарий изохронни солиштириш йўли билан юлдуз тизими ёши аниқланди. ТҮОТ NGC 2353да БК нинг бурилиш нуқтаси  $(M_V, (U - B)_0)$  диаграммасида яққол

намоён бўлади. NGC 2353 нинг кузатилган кетма – кетлиги ёш изохрони  $\log(\tau) = 8.1 \pm 0.1$  билан яхши мосликни кўрсатди.

Юлдуз тизими ёшини баҳолашдан олинган қиймати NGC 2353нинг СМа OB1 ни ўраб турувчи булут билан боғлиқ деган фаразга зид келмоқда ва M.P.Fitzgelard муаллифининг ТЮТ NGC 2353 ва СМа OB1 ўртасида физик боғланиш мавжуд эмас деган тасдиғини тасдиқламоқда.

Тўданинг ёрқинлик ва масса функцияси курилди. Тўданинг амалга оширилган фотометрияси  $M_V$  да  $7^m.8$  гача ораликда бўлган юлдузларни ва унинг деярли барча майдонини қамраб олган. Тўда массаси спектри оғмалиги чизиқли энг кичик квадратлар усули ёрдамида аниқланди ва  $\Gamma = -1.3 \pm 0.2$ . Олинган натижа куёш атрофи ( $\Gamma = -1.35$ ) ҳамда Хулкар ва Ясли ( $\Gamma = -1.5$ ) масса спектрлари оғмалик қийматлари билан яхши мослигини кўрсатмоқда.

Тўданинг фотометрик диаграммалари таҳлили вақтида фон юлдузларининг учта гуруҳи ажратилди. Уларнинг ранг орттирмалари ва масофа қийматлари аниқланди. Иккита гуруҳ мавжудлиги M.P.Fitzgelard иши натижалари билан ҳам тасдиқланмоқда. Бу ишда ранг орттирмаси энг кам қийматга эга биринчи гуруҳнинг юлдузлари СМа OB1 нинг аъзолари деб таъкидланади. Бошқа, ранг орттирмаси катта қийматли иккинчи ва худди шундай ушбу иш доирасида аниқланган учунчи гуруҳ юлдузлари Хулкар энглари ташқи диски ва унинг ташқарисида тарқалган В спектрал синф юлдузлари билан боғлиқ бўлиши мумкин.


«**IC 1848 тўдасининг UBV ва Na фотометриси**» номли учинчи бандда шу тўданинг фотометрик шарҳлари келтирилган.

IC 1848даги ранг орттирмаси  $E(B-V)$  икки рангли диаграмма орқали аниқланди ва натижада унинг ўртача қиймати  $\langle E(B-V) \rangle = 0.660 \pm 0.054^m$  ташкил қилди. Ранг кўрсаткич – юлдуз катталиги ва икки рангли ( $U-B$ ,  $B-V$ ) диаграммалардаги фотометрик ҳоссалар асосида эрта спектрал синфларнинг (О дан кечки В гача) аъзолари ажратиб олинди. Тўданинг ранг кўрсаткичи – юлдуз катталиги диаграммаси 4 – расмда келтирилган. IC 1848нинг аъзолари сифатида эрта спектрал синфларнинг (О, В) 105та юлдузи танлаб олинди.

Na ва ўрта инфрақизил (ИК) диапазонда ўтказилган фотометрия натижалари асосида IC 1848даги PMS юлдузлар танлаш амалга оширилди. IC 1848 тўдаси учун бажарилган Na фотометрияга асосан Na эмиссияли 196 та ва Na эмиссияли юлдузларга номзод 35та юлдуз аниқланди. 3 – расмда Na даги эмиссия ўлчовини ( $V-I$ ) ранг кўрсаткичига боғлиқлиги келтирилган. ИҚ фотометрия натижалари асосида 397та ёш юлдуз идентификация қилинди (5таси I синф, 368таси II синф, ўткинчи дискли объектларга 24таси номзод). Амалга оширилган оптик фотометрия натижалари ва ўрта ИҚ соҳадаги фотометрия таҳлил қилиниши оқибатида тўда аъзоларидан 462таси PMS юлдуз сифатида идентификация қилинди.

Кузатилган соҳада қизаришнинг фазовий ўзгаришларини тадқиқ этиш мақсадида қоида ва эрта спектрал синфларга мансуб тўданинг айрим аъзоларининг қизариш қийматларидан фойдаланиб қизариш харитаси тузилди. Харита эрта спектрал синфларнинг массив юлдузлари ва уларни

ўраб турган материаллар билан ўзаро таъсирини акс эттиради. Қизариш харитасидаги ҳар бир нуқтанинг ўрта вазнли қизариши тўданинг 105та ёш аъзолари қизариш қийматлари асосида ҳисобланди. Бунда вазн айрим тўда аъзоларидан масофасини ортиши билан экспоненциал камаймоқда.



4 – расм. IC 1848 нинг ранг кўрсаткичи – юлдуз катталиги диаграммаси.

IC 1848нинг олдинги фотометрик тадқиқотлари тўла экстинкцияни селективга ( $R_V$ ) нисбати тўда йўналишида ўртачада (нормаль) қийматга эга деган фикрга асосланган. Шунга боғлиқ ҳолда, IC 1848 йўналишидаги қизариш қонуни оптикдан ўрта ИҚ диапазонгача бўлган кетма – кетликда аниқланди. Қизариш қонуни аниқлаш учун бизнинг оптикдаги, 2MASSнинг яқин ИҚ ва ўрта ИҚ диапазонлардаги фотометрик маълумотларидан фойдаланилди. Тўла экстинкцияни селективга ( $R_V$ ) нисбатидан олинган қийматлар барча тўлқин узунликларида мос келмоқда. IC 1848 йўналишидаги қизариш қонуни эса меъёрийликни кўрсатди.

ТЮТ IC 1848нинг баҳоланган масофа модули  $V_0 - M_V = 11.7^m$  (2.2 кпк) ташкил этди. Олинган натижа S.Sharpless ишида олинган қийматдан катта, бироқ W.Becker, H.L.Johnson ва A.F.J.Moffat муаллифлари томонидан олинган баҳолашлар билан мосликни кўрсатди.

Тўда ёшини аниқлаш учун кузатишлар қизаришига тузатишлар киритилган ( $M_v, (V-I)_0$ ) диаграмма бўйича Герцшпрунг-Рассел диаграммаси қурилди. Ёши 5 (млн. йил) изохронни ўта массив юлдуз тўдалари вазияти жуда яхши тасвирламоқда ва J.L.Karr натижасига мос келади. IC 1848нинг ёшини баҳолаш PMS юлдузлари бўйича амалга оширилди. Бу юлдузларнинг кўпчилиги ўртача 3 (млн. йил) атрофидаги ёш билан 6 (млн. йил) ораликқа тўғри келмоқда. PMS юлдузлари бўйича аниқланган ёшларнинг бундай сочилиши бир қатор бошқа ёш тўдаларда (Tr 14, Tr 16, NGC 2244) ҳам аниқланган. Бошланғич масса функцияси (БМФ) қурилди. Масса спектри оғмалиги  $-1.6 \pm 0.2$  бир қатор ёш тўдалар, мисол учун, ONC, W5 East,

Trumpler 14, Trumpler 16, ва бошқаларнинг аниқланган қийматларидан катта бўлиб чиқди.

Сўнгги тўртинчи «**IC 1805 тўданинг *UBVRI* ва *Ha* фотометрияси**» бандида қурилган фотометрик диаграммалар ва улар асосида аниқланган тўдаларнинг фотометрик тавсифлари келтирилган.

Икки рангли (*U-B, B-V*) диаграмма бўйича IC 1805 тўданинг 91та эрта спектрал синфи юлдузларининг ранг ортирмаси  $E(B-V)$  аниқланди. Ранг ортирмасининг ўртача қиймати  $\langle E(B-V) \rangle = 0.880 \pm 0.010^m$  ташкил этди. IC 1805 йўналишидаги  $R_V$  нинг нисбатан меъёрий қийматлари спектрал O ва эрта B синфгача тааллуқли бўлган 64та юлдуз бўйича келтириб чиқарилди, яъни  $R_V = 3.052 \pm 0.058$ .

Кичик массали PMS юлдузларни танлаб олиш учун ( $(R-H\alpha)$ ,  $(V-I)$ ) ва ( $H\alpha$ ,  $(V-I)$ ) диаграммалари қурилди.  $\Delta(R-H\alpha)$  ва  $\Delta H\alpha$  билан  $H\alpha$  эмиссия индекслари солиштирилди.  $\Delta(R-H\alpha)$  ва  $\Delta H\alpha$  билан  $H\alpha$  эмиссия индекслари қийматлари ўртасидаги умумий мувофиқлик айрим юлдузларнинг кўрсаткичларидаги катта фарқланишга қарамадан етарлича яхши. Фарқланишни келиб чиқиши юлдузнинг ўзгарувчанлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин.


$H\alpha$  нурланишли 182та ва шундай нурланишга эга 199 номзод юлдуз ажратиб олинди. PMS юлдузлар аъзолиги кўрсаткичи сифатида рентген нурларишдан фойдаланиш учун эса дастлаб рентген нурланиш манбаларининг оптик ўхшашлари идентификация қилинди ва уларнинг тақсимооти оптик диаграммаларда ўрганилди.

Икки рангли (*U-B, B-V*) диаграмма бўйича O ва эрта B ( $Sp \leq B5$ ) спектрал синфларнинг юлдузлари ажратилди. Тўда соҳасидаги O ва эрта B спектрал синфларнинг юлдузлари сони мос равишда 8 ва 71тани ташкил этди. Тўда аъзоларининг ўрта массали юлдузларини танлаб олишда фақат фотометрик маълумотлардан фойдаланилди. Оптик ва инфрақизил фотометрия натижалари асосидага қурилган фойдаланиш учун очиқ барча диаграммалардан фойдаланилиб юлдузларнинг вазиятлари текширилди. Натижада ўрта массали 50та юлдуз тўданинг эҳтимолий аъзолари сифатида ажратиб олинди.

IC 1805гача бўлган масофа ББК билан кузатилган эрта спектрал синфларни юлдузлари кетма – кетлигининг ранг кўрсаткич – юлдуз катталиги диаграммаларида бирлаштириш йўли билан аниқланди. ( $Q_{V\lambda}$ ,  $Q'$ ) диаграмма 4 – расмда келтирилган. Ушбу диаграммаларни куриш учун қизаришга тузатилган  $Q_{V\lambda}$  индекслари ва Джонсоннинг модификацияланган  $Q(Q')$  индексларидан фойдаланилган. IC 1805 нинг масофа модули қиймати  $11.9 \pm 0.2^m$  ( $2.4 \pm 0.2$  (кпк)) ни ташкил этди. Тўдагача бўлган масофанинг олдинги баҳолашлари 0.76 (кпк) дан 2.4 (кпк) гача оралиқда ўзгариб турибди.

IC 1805 тўдасининг ёшини ва юлдузлари массасини аниқлаш учун Герцшпрунг – Рассел диаграммаси қурилди (5-расмга қаранг). Топилган ёшлик изохрони 3.5 (млн. йил) кузатилган кетма – кетлик билан яхши

мувофиқликни кўрсатди. Олинган баҳо P.Massey ва S.C.Wolff ишларида аниқланган ёш оралиғи қийматларидан катта.



5 – расм. IC 1805 нинг Герцшпрунг – Рассел диаграммаси.

Кичик массали PMS юлдузлари учун Герцшпрунг – Рассел диаграммаси қурилди. IC 1805даги PMS юлдузларнинг кўпчилиги ёши иккита изохрон 1 ва 5 (млн. йил) орасида жойлашган. Ўртача ёш 2.48 (млн. йил)ни ташкил этди ва бу ёш тўданинг энг массив юлдузлари ёшидан тахминан 1 (млн. йил)га кам. IC 1805 учун БМФ қурилди, бунда массив юлдузларга мос массалар оралиғида спектр шакли тўлқинсимон бўлиб чиқди. БМФ ўртача чизиқли оғмалиги  $\Gamma = -1.3 \pm 0.2$ ни ташкил этди ва бу Солпитер қийматига жуда яқин.

## ҲУЛОСА

Бажарилган ишлар доирасида қуйидаги асосий натижалари олинди:

1. Ландольтнинг 111та андоза юлдузлари ЗАҚ фотометрияси амалга оширилди. Ўтказиш тенгламаларидаги янги вақтли коэффициентларининг ўлчашлари бажарилди. Атмосфера экстинкциясини қиймати ва вақтли ўзгаришлари, тизим ноль нуқтаси ва трансформация коэффициентлари аниқланди. Бунда, биринчи тартибли экстинкция коэффициентлари мавсумий тебранишларни яққол намоён қилмоқда. 111та андоза юлдузининг кўп йиллик кузатув натижалари асосида 20та ўзгарувчан юлдузларга эҳтимолий номзодлар аниқланди.

2. ТЮТ NGC 2264нинг чуқур панарамали фотометрияси 43'x80' ўлчамли соҳани камраб олди. Бу ушбу тўда учун бажарилган ихтиёрий бошқа кузатувлардан майдони бўйича энг катта ва анчагина чуқур кузатув шарҳи эканлигини билдиради. На ва рентгенда эмиссия намоён қилувчи юлдузлар идентификация қилинди. На эмиссияли юлдузларнинг фазовий тақсимооти таҳлиллари асосида юлдузлар пайдо бўлиш соҳалари ажратиб олинди.

3. Илк бора NGC 2353 тўда соҳасида ЗАҚ фотометрияси амалга оширилди. Ўтказилган ЗАҚ ўлчашлар асосида ТЮТ NGC 2353нинг бир қатор физик тавсифлари (юлдузлараро қизариши, масофаси, ёши) аниқланди. Тўданинг фон соҳаси уч гуруҳ юлдуз майдонларига ажратилди. Тўда учун

ёрқинлик ва масса функциялари қурилди, ҳамда массалар спектри оғмалиги аниқланди. ТЮТ нинг баҳолаб топилган ёши NGC 2353 ҳамда Катта Ит юлдуз туркумидаги OB1 юлдуз тўдаси ўртасида физик боғланиш йўқлиги тўғрисидаги фаразларни тасдиқлади.

4. IC 1848 тўдасининг кўпрангли *UBVI* ва  $H\alpha$  фотометрияси ўтказилди. Фотометрик тавсифлар асосида тўданинг ўрганилган аъзолари қаторидан эрта спектрал синфлар ва ўз эволюциясининг бошланғич босқичидаги юлдузлар танлаб олинди. Тўданинг асосий тавсифлари аниқланди. IC 1848ни кузатилган соҳасининг қизариш харитаси тузилди. Оптик диапазондан яқин инфрақизил диапазонгача IC 1848 йўналишида қизариш қонуни ўрганилди. Тўданинг БМФ қурилди.

5. ТЮТ IC 1805 юлдузларининг чуқур оптик фотометрияси амалга оширилди. Натижалар асосида тўданинг фотометрик диаграммалари қурилди ва асосий физик тавсифлари аниқланди. Турли мезонлар асосида тўда аъзоларини танлаб олиш амалга оширилди, бунда оптик,  $H\alpha$ , рентген ва инфрақизил фотометрия натижаларидан фойдаланилди. Кузатилган соҳанинг қизариш харитаси тузилди ва БМФ келтириб чиқарилди.

6. Астрономик объектларнинг Страсбургдаги астрономик маълумот Маркази электрон маълумотлар базасида 180000дан зиёд юлдузнинг *UBVRI* ва  $H\alpha$  фотометрик маълумотлари чоп этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ Dsc.02/30.12.2019.FM.15.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АСТРОНОМИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

---

**АСТРОНОМИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**КАРИМОВ РИВКАТ ГИРАТОВИЧ**

**ФОТОМЕТРИЯ ИЗБРАННЫХ РАССЕЯННЫХ ЗВЕЗДНЫХ  
СКОПЛЕНИЙ НА МАЙДАНАКСКОЙ АСТРОНОМИЧЕСКОЙ  
ОБСЕРВАТОРИИ**

**01.03.01 – Астрономия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИХ НАУК**

**Ташкент – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) физико-математических наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.2.PhD/FM357.**

Диссертация выполнена в Астрономическом институте Академии наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.astrin.uz](http://www.astrin.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Эгамбердиев Шухрат Абдуманнапович,</b> доктор физико-математических наук, профессор, академик Академии наук Республики Узбекистан
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Расторгуев Алексей Сергеевич,</b> доктор физико-математических наук, профессор <b>Туракулов Зафар Ялкинович,</b> доктор физико-математических наук
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Институт астрономии Российской академии наук (ИНАСАН)</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета Dsc.02/30.12.2019.FM.15.01 при Астрономическом институте, по адресу: 100052, г. Ташкент, Астрономическая 33, Астрономический институт; тел.: (+99871) 235-81-02, факс: (+99871) 234-48-67, e-mail: [info@astrin.uz](mailto:info@astrin.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Астрономического института (регистрационный номер \_\_\_\_\_), по адресу: 100052, г.Ташкент, Астрономическая 33, Астрономический институт; тел.: (+99871) 235-81-02.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2020 года).

**К.Т.Миртаджиева,**  
Зам. председателя Научного совета по присуждению  
ученой степени, д.ф.-м.н., доцент

**И.А. Ибрагимов,**  
ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученой степени, к.ф.-м.н.

**С.П. Ильясов,**  
председатель научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученой степени, д.ф.-м.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В настоящее время изучение рассеянных звездных скоплений (РЗС) и, в частности, молодых РЗС (возраст меньше  $10^7$  лет), тесно связано с вопросами, касающимися процессов звездообразования в дисковой составляющей Галактики, изучением начальной функции масс звездных систем, исследованием звездной эволюции массивных звезд, а также маломассивных звезд, находящихся на ранней стадии своей эволюции и др. Эти астрофизические задачи решаются, в том числе и фотометрией РЗС, которая была и остается одним из важных методов астрономических исследований. С этой точки зрения актуальной остается задача изучения физических характеристик РЗС (расстояние, возраст, избыток цвета ( $E(B-V)$ ) и ряд других).

В настоящее время в мире в связи с развитием наблюдательной аппаратуры - увеличением апертуры телескопов, запуском телескопов в космос, созданием современных широкоформатных и малошумных приемников излучения, разработкой новых методов обработки измерений - появилась возможность получения однородных данных с последующим определением более точных физических характеристик РЗС, что обусловило очередной стимул к их исследованию. В этом направлении проводятся целенаправленные научные исследования, в том числе составляются различные обзоры РЗС, целью которых является изучение структуры РЗС и диска Галактики, звездной активности, начальной функции масс, динамической эволюции звездных систем, истории звездообразования и химической эволюции Галактики, сравнение наблюдательных результатов с теорией звездной эволюции.

